

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 218-ҳадис

218/332 - عَنْ سَمْرَةَ بْنِ جُنْدُبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ امْرَأَةً مَاتَتْ فِي بَطْنٍ، فَصَلَّى عَلَيْهَا

النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَامَ وَسَطَّهَا.

218.332 Самура ибн Жундуб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир аёл «қорин дарди»* билан вафот этди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг миёнида* туриб жаноза намозини ўқидилар».

* Ушбу ҳадисдаги «қорин дарди»ни уламолар турлича тушунишган. Баъзилар бу жумлада туғиши (яъни, туғиши оғир кечганлиги боис нифосида вафот этган аёл) назарда тутилган, дейишса, баъзилар у қорин оғриғининг ўзи, дейишган.

* Миёнида, яъни тананинг бел қисми рўпарасида туриб намоз ўқидилар. Бошқа далилларга кўра, Ҳанафий мазҳабида аёл бўлсин, эркак бўлсин, маййитнинг кўкси баробарида туриб жаноза ўқилишига фатво берилган.

Манба: hadis.islom.uz

